

Наврӯз Ахмадхон ибн Суюнчхожа

(?-1556, Самарканд)
(1551-1556)

Шайбонийлар сулоласидан бўлган хон. Абулхайрхоннинг невараси, Тошкент хокими Суюнчхожанинг кичик ўгли. Отаси вафотидан сўнг Тошкент хокими (1525-1551-й) сўнгра Мовароуннахр хони (1551-1556-й.). У ёшлигида Восифийдан шеърят, мусика, ашула, вазн ва назмдан таълим олган. Айни вақтда чавандозлик ва харбий машқлар билан кўпроқ шугулланган. Барокхон ХВИ аср ўрталарида Бухоро хонлигида кучайиб кетган феудал курашдан фойдаланиб, Мовароннахрни кўлга киритиб олди. Сўнгра кўшин билан Шайбонийхоннинг жияни Мухаммад Рахимни Бухоро устига отлантирди. Лекин Мухаммад Рахим йўлда тўсатдан вафот этди. Унинг ўгли Бурхон султон отасига қарашли харбий қисмлар ва мулозимлари билан Бухоро остонасига етиб келди. Айни шу вақтнинг ўзида Барокхон Тошкентдан, Абдулатифхон эса Самаркандда Бухоро устига кўшин тортди, охири-оқибат уни эгалладилар (1540). Барокхон Бурхон султонни Бухорони бошқаришда вақтинча ҳукмдор бўлиб турган Мухаммадёр султонга шерик қилиб қўйди. Иттифокчилар (Барокхон ва Абдулатифхон) Бурхон султонни ҳам ўзларига қўшиб Миёнқол ҳукмдорлари Искандархон ва Абдуллахонга қарши юриш бошладилар. Абдуллахон миёнқолни Барокхонга қолдириб, Балхга кетишга мажбур бўлди ва у ердан туриб амакиси Балх хони Пирмухаммадхоннинг ёрдами билан Барокхонга қарши уч марта (1553,1554,1555) кўшин тортди, лекин ҳар гал мағлубиятга учради. Барокхон Абдулатифхон вафотидан кейин 1551-йилда Самаркандни ҳам эгаллади. Шундай қилиб, 1551-1556-йиллари Барокхон Мовароуннахрни Наврӯз Ахмадхон номи билан идора қилди. У ўз номидан пул зарб эттирди. Мовароуннахрнинг кўпгина шаҳарларида унинг номи хутбага қўшиб ўқилди. У ободончилик ишларига эътибор берган, мадрасалар қурдирган(“Барокхон мадрасаси”-1531/32-XVI асрнинг 2-ярми). Хофиз Таниш Бухорийнинг „Абдулланима“ асарида қайд этилишича, Барокхон 1556-йилда Зарафшон дарёсидан бошланган Даргом каналининг бош иншооти – Равотхожа тўғонини тузаттириш учун қилган ва шу ерда тўсатдан вафот этган. Унинг даврида Мовароуннахр билан Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари, Хиндистон, Хитой, Сибир ўртасида савдо-сотиқ, элчилик муносабатлари ривожланган.